

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЦУМИТАСИ**

**САМАРКАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ  
ИНСТИТУТИ**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТЎБОЛЛАРИ:  
ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ ТУПЛАМИ**

**II қисм**

**21-22 сентябрь, 2020 йил**

**Самарканд - 2020**

2. Когут Б.М., Сысуев С.А., Холодов В.А. Водопрочность и лабильные гумусовые вещества типичного чернозема при разном землепользовании // Почвоведение, 2012, №5. –С.555-561

3. Курганова И.Н., Лопес де Гереню, Галлардо Ланчо Х.Ф., Ем К.Т. Оценка скорости минерализации органического вещества почв в лесных экосистемах внутри континентального умеренного, средиземноморского и тропического муссонного климата // Почвоведение, 2012, №1. –С.82-94

4. Орлов Д.С., Бирюкова О.Н., Суханова Н.И. Органическое вещество почв России. Москва, Наука, 1996. -254с.

5. Семенов В.М., Когут Б.М. Почвенное органическое вещество. Издательство ГЕОС, 2015. -238с.

6. Тищенко С.А., Безуглова О.С. Гумусовое состояние почв локально переувлажненных ландшафтов Нижнего Дона // Почвоведение, 2012, №2. –С. 156-165

7. Шепашенко Д.Г., Мухортова Л.В., Швиденко А.З., Ведрова Э.Ф. Запасы органического углерода в почвах России // Почвоведение, 2013, №2. –С.123-132

УДК: 633+63:54

## СИДЕРАТ ЭКИНЛАРИ ЯШИЛ БИОМАССА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Р.Орипов, Ю.Ч.Кенжаев

**Аннотация:** Сидерат сифатида горох, нўхат, рапс ва арпа ёзда галладан бўшаган майдонларга 10 июль муддатида экилганда энг юқори биомасса ҳосилдорлигига эришилиб, 14,54-52,92 т/га ташиқил этди, нисбатан кейинги ўринда эса 20 июлда кузатилиб, яшил биомасса ҳосилдорлиги 14,1-50,73 т/га бўлди.

Кузда экилган сидерат экинларида юқори биомасса ҳосилдорлиги 10 октябрь муддатида экилганда кузатилиб, бунда 6,44-22,41 т/га ни ташиқил этди, кейинги ўринда эса 20 октябрда кузатилди. Бунда яшил биомасса ҳосилдорлиги 6,04-21,91 т/га бўлди. Демак, сидерат экин турларидан ёзда ва кузда сидерат сифатида фойдаланиш гўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишга замин яратади.

**Калим сўзлар:** Экин муддатлари, сидерация, сидерат экинлар, яшил биомасса ҳосилдорлиги.

**Кириш.** Органик ўғитлар сифатида оралиқ экинлардан сидерация максидида фойдалиниш уларнинг етишмайдиган қисмини тўлдиришдан ташқари, таъсири жихатдан гўнг, компост ва бошқа органик ўғитлардан қолишмайди. Бугунги кунда дунё деҳқончилик амалиётида органик ўғитлардан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш асосида экинлардан сифатли ва юқори ҳосил олиш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу муаммони ҳал қилишда ёз ва кузда сидерат экинларини турли муддатларда экиб, парваришлаб, ҳосил бўлган яшил массани ерга кўкат ўғит сифатида хайдаб юбориш орқали эришиш мумкин. Мазкур тадбир натижасида тупроқ экологик тоза, арзон, сифатли органик биомасса билан бойитилади [Р.Орипов, 4. 34-б.; Р.Орипов, 5. 10-б.; Кенжаев Ю., Орипов Р. 6. 33-35-б.].

**Тадқиқот ўтказиш услублари.** Дала тажрибаларини ўтказиш, экинларни экиш, парвариш қилиш, ҳосилни йиғиш ва таҳлил қилиш умумқабул қилинган Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти, (1986); Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти (1981, 2007) услубларидан фойдаланилди.

Сидерат экинларни ўстириш, уларда таҳлил, кузатиш ишларини ўтказиш «Методика Государственного сортоиспытание сельскохозяйств-венных культур» [1. 239-б.], «Методика проведения полевых и вегетационных опытов с кормовыми культурами» [2. 285-б.], сидерат экинларининг кимёвий таркиби «Методы

биохимического исследования растений» [3. 465-б.] сингари қўлланмалар асосида ўтказилди.

Дала тажрибалари Самарқанд вилоятининг эскидан сугориладиган, маданийлашган, механик таркибига кўра ўртача қумоқ, сизот сувлар сатҳи 3-4 м чуқурликда жойлашган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида дала тажрибалари (ёзги ва кузги муддатлар) 5 вариант 4 такрорликда ўтказилди. Тажрибадаги ҳар бир пайкалнинг юзаси 240 м<sup>2</sup> (узунлиги 50 м, эни 4,8 м), ҳисобланадиган майдон 120 м<sup>2</sup> бўлиб, пайкаллар систематик равишда бир ярусли қилиб жойлаштирилди.

Тажрибада сидерат экинлари сифатида Давлат реестрига киритилган хашаки нўхатнинг “К-295” (хашаки нигретум) намунаси, горохнинг “Осиё 2001”, рапснинг кузги навларидан “Лорис” баҳорги навларидан эса “Викинг-ВНИИМК”, арпанинг “Темур” навлари олинди ва турли муддатларда (ёз ва кузда) экилди.

**Тадқиқот натижалари.** Тажрибада ғалладан бўшаган майдонларда турли сидерат экинлар ёзда 10 июль, 20 июль, 30 июль, кузда эса 10 октябрь, 20 октябрь, 30 октябрь муддатларида экиб ўрганилди.

Илмий изланишларда сидерат экинлар яшил биомасса тўплаши уни етиштириш муддатларига ҳам боғлиқлигини кўрсатди.

Ёзда ғалладан бўшаган майдонларга 10 июлда экилган горох ўсимлигини ерга яшил биомасса сифатида кўмиш олдидан ўсимлик бўйи ўртача 116,9 см, 1 м<sup>2</sup> майдонда яшил биомасса ҳосили 1454 г, ёки гектаридан олинган ҳосил эса 14,54 тоннани ташкил этган. Бу 20 июлда экилганга нисбатан ўсимлик бўйи 2,7 см, 1 м<sup>2</sup> майдондаги биомасса ҳосили 53 г, ёки гектаридан олинган ҳосил 0,53 т/га кўп бўлган бўлса, 30 июлда экилганга қараганда юқоридагига мос равишда 4,8 см, 252 г ёки 2,52 т/га зиёд масса тўплашга имкон берди. Худди шунингдек, ушбу кўрсаткичлар нўхат, арпа ва рапс экилган вариантларида ҳам 10 июлда экилганда ҳам кузатилди. Бунда 20 ва 30 июлда экилган вариантларга нисбатан 10 июлда экилган нўхат вариантыда 0,44-1,26 т/га, арпада 2,0-6,64 т/га ва рапсда 2,19-8,95 т/га яшил биомасса кўп бўлди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

##### Ёзги экиш муддатларининг сидерат экинлари бўйи ва ҳосилдорлигига таъсири (2014-2015 йй.)

| №     | Экиш<br>муддати | 1 м2<br>майдонда<br>туп сони,<br>дона | Ўсимлик бўйи, см |     |     | 1 м² майдонда<br>туп сони, дона<br>(ерга ҳайдаш<br>олдидан) | Яшил массаса, г/м² |            |      | Ҳосилдор-<br>лик, т/га |
|-------|-----------------|---------------------------------------|------------------|-----|-----|-------------------------------------------------------------|--------------------|------------|------|------------------------|
|       |                 |                                       | Ў                | tSx | V,% |                                                             | ер<br>усти         | ер<br>ости | жами |                        |
| Горох |                 |                                       |                  |     |     |                                                             |                    |            |      |                        |
| 1     | 10.июл          | 90                                    | 116,9            | 6,3 | 5,4 | 88                                                          | 1192               | 262        | 1454 | 14,54                  |
| 2     | 20.июл          |                                       | 114,2            | 6,1 | 5,3 | 86,5                                                        | 1156               | 254        | 1410 | 14,10                  |
| 3     | 30.июл          |                                       | 112,1            | 6,6 | 5,9 | 85                                                          | 986                | 216        | 1202 | 12,02                  |
| Нўхат |                 |                                       |                  |     |     |                                                             |                    |            |      |                        |
| 1     | 10.июл          | 90                                    | 52,6             | 3,1 | 6   | 88                                                          | 1247               | 274        | 1521 | 15,21                  |
| 2     | 20.июл          |                                       | 50,1             | 3,1 | 6,2 | 86,5                                                        | 1211               | 266        | 1477 | 14,77                  |
| 3     | 30.июл          |                                       | 47,7             | 2,7 | 5,8 | 84                                                          | 1144               | 251        | 1395 | 13,95                  |
| Рапс  |                 |                                       |                  |     |     |                                                             |                    |            |      |                        |
| 1     | 10.июл          | 250                                   | 115,4            | 7,1 | 6,2 | 248,5                                                       | 4339               | 953        | 5292 | 52,92                  |
| 2     | 20.июл          |                                       | 112,1            | 6,6 | 5,9 | 246                                                         | 4160               | 913        | 5073 | 50,73                  |
| 3     | 30.июл          |                                       | 108,6            | 6,7 | 6,2 | 242,5                                                       | 3606               | 791        | 4397 | 43,97                  |
| Арпа  |                 |                                       |                  |     |     |                                                             |                    |            |      |                        |
|       | 10.июл          | 350                                   | 80               | 4,5 | 5,6 | 348                                                         | 3236               | 710        | 3946 | 39,46                  |
|       | 20.июл          |                                       | 78,9             | 4,4 | 5,6 | 345,5                                                       | 3072               | 674        | 3746 | 37,46                  |
|       | 30.июл          |                                       | 76,9             | 4,2 | 5,5 | 342,5                                                       | 2691               | 591        | 3282 | 32,82                  |

Демак, сидерат экинларини ёзда экишнинг энг мақбул муддати 10 июль ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири 10 июлда экилганда бошқа муддатларга нисбатан ёруғлик ва ўсимлик учун фойдали ҳароратлардан бирмунча кўпроқ ва самаралироқ фойдаланишига эришиши орқали ўсимликлар яхши ўсиб ривожланади, арпа яхши туплайди ҳамда горох, нўхат ва рапс ўсимликлари яхши шохлаши, бўйининг баланд бўлиши, ўсимлик илдизининг бақувват бўлиб ўсиб ривожланиши натижада юқори яшил биомасса олинади ва кузги ёгингарчиликларга қолмасдан ерни ўз вақтида шудгор қилишга эришилади. Натижада яшил биомасса тўлиқ чириб, унинг ўрнига гўза экилганда, тўлиқ ва бўлиқ гўза кўчатлари ундириб олинади ҳамда юқори ҳосил олишга замин яратилади.

Ўсимликларнинг қишга чидамлилиги ҳосилдорликка сезиларли таъсир кўрсатади. Қишга чидамлилиги ҳосилдорликка сезиларли таъсир кўрсатади. Қишга чидамлилик навнинг биологик хусусиятларига, қиш давридаги ҳарорат режимига, ўсимликнинг ривожланиш фазасига, нам билан таъминланганликка, экилган уруғлар меъёрига, экиш муддатларига боғлиқ ҳолда ўзгарадиган кўрсаткичдир [Д.Т. Абдукаримов., 7. 126-135 б.; В.П.Мастерова., 8. 92-93 б.; Н.Халилов ва бошқ., 9. 137-138-б.].

Изланишлар натижалари шуни кўрсатдики, 10 октябрда экилган рапс ўсимлиги яшил биомассасини баҳорда ерга кўмиш олдидан ўсимлик бўйи ўртача 97,1 см, 1м<sup>2</sup> майдонда яшил масса ҳосили 2241 г ёки 22,41 т/га ни ташкил этиб, 20 октябрда экилганга нисбатан ўсимлик бўйи 7,5 см, яшил биомасса ҳосили 50 г ёки 0,5 т/га, 30 октябрда экилганга қараганда эса ўсимлик бўйи 12,7 см, яшил биомасса ҳосили 278 г ёки 2,78 т/га кўп бўлганлиги қайд этилди.

Ушбу кўрсаткичлар 10 октябрда экилган горох, нўхат ва арпа ўсимликларида ҳам юқори бўлиши аниқланди. Шунингдек, 20 ва 30 октябрда экилган вариантларга нисбатан 10 октябрда экилган горох вариантида яшил биомасса ҳосилдорлиги 0,40-0,77 т/га, нўхатда 0,34-1,02 т/га, рапсда 0,5-2,78 т/га ва арпада эса 1,35-2,62 т/га кўп бўлди (2-жадвал).

Бунинг асосий сабабларидан бири ўсимликнинг эрта униб чиқиши, мақбул туп сон қалинлигига эришилиши, ўсимликларнинг қулай ривожланиши оқибатида юқори яшил биомасса ҳосилдорлиги олишни таъминлаганлигидадир.

Мазкур сидерат экинларининг яшил биомасса ҳосили эрта баҳорда, яъни арпа бошоклаш фазасида, горох, нўхат ва рапс ўсимликлари гуллаш ва мева тугиш фазаларида майдалаб ерга ҳайдаб юборилди. Бундай органик масса ерга ҳайдаб юборилганда тезда парчаланади ва минераллашади. Натижада унинг ўрнига экилган гўза экиннинг яхши ўсиб-ривожланишига қулай шароит яратилиб, юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, сидерат сифатида горох, нўхат, рапс ва арпа ёзда ғалладан бўшаган майдонларга 10 июль муддатида экилганда энг юқори биомасса ҳосилдорлигига эришилиб, 14,54-52,92 т/га ташкил этди, нисбатан кейинги ўринда эса 20 июлда кузатилиб, яшил биомасса ҳосилдорлиги 14,1-50,73 т/га бўлди.

Кузда экилган сидерат экинларида юқори биомасса ҳосилдорлиги 10 октябрь муддатида экилганда кузатилиб, бунда 6,44-22,41 т/га ни ташкил этди, кейинги ўринда эса 20 октябрда кузатилди. Бунда яшил биомасса ҳосилдорлиги 6,04-21,91 т/га бўлди (2-жадвал).

Бундан кўриниб турибдики, сидерат сифатида оралиқ экинларни экишнинг энг мақбул муддати ёзда 10 июль, кузда эса 10 октябрь ҳисобланиб, сидерат экинларидан юқори биомасса олишга эришилади.

Ёзги ва кузги сидерат экинлари (горох, нўхат, рапс, арпа) бўйининг баландлиги, яшил массаси, ҳосилдорлиги билан экиш муддатлари ўртасидаги алоқадорлик статистик таҳлил қилинганда, йўналишининг ўзгаришига кўра тескари, аналитик ифодаланишига кўра тўғри чизиқли боғлиқлик мавжудлиги ҳамда уларнинг регрессия

тенгламаси  $y = a - bx$  ифодасига бўйсиниши ва корреляция коэффиценти ёзги ва кузги сидерация учун ҳам  $r < -0,7$  га тенглиги аниқланди. Бундан кўриниб турибдики, ўсимликлар ёзги ва кузги сидерция мақсадида етиштирилганда экиш муддати кечикиши билан уларнинг бўйининг паст бўлиши, маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлиги камайиб бориши статистик жиҳатдан исботланди.

## 2-жадвал

### Кузги экиш муддатларининг сидерат экинлари бўйи ва ҳосилдорлигига таъсири (2014-2015 йй.)

| №     | Экиш муддати | 1 м <sup>2</sup> майдонда туп сони, дона | Ўсимлик бўйи, см |     |     | 1 м <sup>2</sup> майдонда туп сони, дона (ерга ҳайдаш олдида) | Яшил массаса, г/м <sup>2</sup> |         |      | Ҳосилдорлик, т/га |
|-------|--------------|------------------------------------------|------------------|-----|-----|---------------------------------------------------------------|--------------------------------|---------|------|-------------------|
|       |              |                                          | $\bar{x}$        | tSx | V,% |                                                               | ер усти                        | ер ости | жами |                   |
| Горох |              |                                          |                  |     |     |                                                               |                                |         |      |                   |
| 1     | 10.ОКТ       | 90                                       | 79,4             | 4,1 | 5,2 | 87                                                            | 528                            | 116     | 644  | 6,44              |
| 2     | 20.ОКТ       |                                          | 77,2             | 3,7 | 4,9 | 85                                                            | 495                            | 109     | 604  | 6,04              |
| 3     | 30.ОКТ       |                                          | 73,2             | 3,7 | 5   | 82                                                            | 465                            | 102     | 567  | 5,67              |
| Нўхат |              |                                          |                  |     |     |                                                               |                                |         |      |                   |
| 1     | 10.ОКТ       | 90                                       | 39,3             | 1,9 | 4,8 | 87                                                            | 581                            | 128     | 709  | 7,09              |
| 2     | 20.ОКТ       |                                          | 35,6             | 1,7 | 4,9 | 86                                                            | 554                            | 122     | 675  | 6,75              |
| 3     | 30.ОКТ       |                                          | 33               | 1,7 | 5,2 | 82                                                            | 498                            | 109     | 607  | 6,07              |
| Рапс  |              |                                          |                  |     |     |                                                               |                                |         |      |                   |
| 1     | 10.ОКТ       | 250                                      | 97,1             | 5,2 | 5,4 | 246                                                           | 1838                           | 403     | 2241 | 22,41             |
| 2     | 20.ОКТ       |                                          | 89,6             | 4,6 | 5,2 | 244,5                                                         | 1797                           | 394     | 2191 | 21,91             |
| 3     | 30.ОКТ       |                                          | 84,4             | 4,6 | 5,5 | 242,5                                                         | 1610                           | 353     | 1963 | 19,63             |
| Арпа  |              |                                          |                  |     |     |                                                               |                                |         |      |                   |
| 1     | 10.ОКТ       | 350                                      | 56,6             | 2,8 | 5   | 347                                                           | 1533                           | 336     | 1869 | 18,69             |
| 2     | 20.ОКТ       |                                          | 54,7             | 2,7 | 4,9 | 345,5                                                         | 1422                           | 312     | 1734 | 17,34             |
| 3     | 30.ОКТ       |                                          | 53,2             | 2,6 | 4,9 | 342                                                           | 1318                           | 289     | 1607 | 16,07             |

## Хулоса

Шундай қилиб, сидерат экинлар галла ва гўзадан бўшаган майдонларга экилганда тупроқ кўп миқдорда органик модда билан бойийди ҳамда уларнинг чириши натижасида тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хосса ва хусусиятлари яхшиланади. Бу эса улардан сўнг экиладиган экинларнинг яхши ўсиб-ривожланишини таъминлайди, натижада юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришишга олиб келади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. -М.: Колос, 1971. -239 с.
2. Методика проведения полевых и вегетационных опытов с кормовыми культурами. ВИК. -М.: 1983. -285 с.
3. Методы биохимического исследования растений. Л.: Колос, 1972. -456 с.
4. Орипов Р. Зеленые промежуточные культуры в земледелии Узбекистана, их влияние на плодородие почвы, урожайность хлопчатника и других культур: Автореферат док. -с.х. наук: -Омск. 1983. -34 с.
5. Орипов Р.О. Ўзбекистон деҳқончилигида оралиқ экинлар истиқболи (Методик тавсия). - Самарқанд, 1985. - 10 б.
6. Кенжаев Ю., Орипов Р. Ғалладан кейин экилган такрорий экинларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёш

олимларнинг роли. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган илмий-амалий конф. материаллари тўплами. -Самарқанд, 2007. –Б. 33-35.

7. Абдукаримов Д.Т., Горелов Е.П., Ботиров Х.Ф. Ўзбекистонда оралик экинлар/Озика етиштириш (дарслик), -Самарқанд, 1995. -126-135 б.

8. Мастерова В.П., Ананьина Н.Н. Кузги рапс / Ем-хашак етиштириш асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1977. -92-93 б.

9. Халилов Н., Хўжамқулов Қ. Кузги арпа экиш муддталари ва меъёрларининг ҳосилдорликка таъсири // Сугориладиган ерларда қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясининг муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд, 2006. –Б. 137-138.

**УДК: 631.5:633.853**

**СИДЕРАЦИЯ УЧУН ЭКИЛГАН ХАНТАЛНИНГ ЎСИШИ,  
РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИ**

**Ғ.Б.Обрўев**

*Самарқанд ветеринария медицинаси институти*

***Аннотация.** Сидерат экини сифатида хантални экиш, ўстириш ҳамда кузги бугдойни экишдан олдин ерга ҳайдаб ташилаш орқали кузги бугдойнинг ҳосилдорлигини ошириш, хантални яшил массаси тупроққа чириб парчаланиши натижасида тупроқда гумус миқдорини ошириш қайд этилади.*

***Калит сўзлар.** Сидерат, хантал, биомасса, яшил ўғит, гумус, ўтмишдош, сомон.*

**Кириш.** Республикамизда тупроқ унумдорлигини оширишда қишлоқ хўжалик экинларини илмий асосда алмашлаб экиш, сидерат экинларни тўғри танлаш, ўтмишдошларни алмашлаб экишдаги мақбул ўрнини аниқлаш, уларни етиштириш технологиясининг илғор усулларини қўллаш, барча агротехнологик тадбирларни уйғунлашган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ғаллачилик соҳасида кенг қўлланилмоқда. Кузги бугдойни етиштиришда Зарафшон воҳаси ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида сидератлардан фойдаланиб дунё бозорига рақобатбардош маҳсулот етиштириш муҳим рол ўйнайди.

**Материаллар ва методлар.** Тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишда гумуснинг дефицитсиз балансини таъминлаш муҳим роль ўйнайди. Гумус нафақат ўсимликлар учун озика манбаи бўлиб хизмат қилади, балки тупроқнинг микробиологик фаоллигини ошириб, тупроқнинг структурасига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг сув ва ҳаво режимларини яхшилайдди. Сугориладиган деҳқончилик шароитида, гумуснинг минерализация динамикаси юқори бўлиб, экин турига қараб ҳар йили йўқотиладган гумус миқдори 0,5-1,5 т/га ни ташкил этади (Егоров В.В., 2001). Бундай йўқотишларни тўлдириш учун 1 га майдонга ўнлаб тонна гўн ва ёки шунга монанд бошқа органик модда киритиш талаб этилади. Бироқ, гўннинг юқори даражадаги танқислиги сезилиб турган бир шароитда бошқа органик ўғитлардан – яшил ўғитлар ва сомондан фойдаланишни тақозо этади. Бундай ўғитлардан фойдаланиш ғаллачиликка ихтисослашган ҳамда чорвачилик кам ривожланган ёки умуман мавжуд бўлмаган гўнгсиз типдаги хўжаликларда қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Дала тажрибалари Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани “Бахриддинов Шохжахон” фермер хўжалиги шароитида эскидан сугориб келинаётган ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида умум қабул қилинган услублар асосида амалга оширилди.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидаги эскидан сугориб келинаётган ўтлоқи бўз тупроқлар шароити учун ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларда сидерат экини сифатида оқ хантал (*Sinapis alba* L.) яхши самара беради. Оралик экини сифатида фойдаланиладиган хантал ғалла экилган дала

## МУНДАРИЖА

### ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ - РЕСПУБЛИКАДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЧОРВА МОЛЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ ВА НАСЛИНИ ЯХШИЛАШ, ОЗИҚЛАНТИРИШ, ЧОРВАЧИЛИК, АСАЛАРИЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК, ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЙИЛҚИЧИЛИКДА ҲАМДА ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

|                                                                                                                                                                                                                                      |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 1. Кахаров А.К., Пардаев Р.Г., Шодиева У.Б., Бойбулов Б.Ш. Республикада чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати.....                                                                                                          | 7  |
| 2. Кахаров А.К., Хўжамов Ж.Н., Пардаев Р.Г., Содикова Ч.С. Республикада чорвачиликни ривожлантириш ҳолати ва истиқболли режалари .....                                                                                               | 10 |
| 3. Шерматов А., Амиров Ш.Қ., Мадрахимов Ш.Н. Республикада чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва истиқболлари.....                                                                                                    | 12 |
| 4. Xujamov J.N., Shaptakov E.S., Rahimov O.T. Chorvachilik fermalarini rivojlantirishda iqtisodiy samaradorlikni oshirish imkoniyatlari.....                                                                                         | 15 |
| 5. Акмалханов Ш.А., Жумадуллаев Б.Х., Комилов А.А., Иманкулова К.А., Гулматова Н.А. Сигирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда ва пуштдорлигини яхшилашда янги технологик усуллари жорий қилиш.....                                   | 18 |
| 6. Жавхаров О.З., Амиров Ш.Қ., Чалабоев А.Ж. Сигирхонада микроклим кўрсаткичларни зоогигиеник баҳолаш.....                                                                                                                           | 22 |
| 7. Бойбулов Б.Ш., Окмирзаев Ғ., Аллаяров Д.М. Қашқадарё вилоятида чорвачиликнинг ҳолати ва ривожланиш тараккиёти.....                                                                                                                | 26 |
| 8. Қурбонова Ш.Э., Эгамбердиева З.К. Тажриба гуруҳидаги букачаларнинг асосий тана ўлчамлари.....                                                                                                                                     | 28 |
| 9. Nortasheva M.A. Golishtin zotli sigirlarning mahsuldorligini oshirishda saqlash sharoitining ta'siri.....                                                                                                                         | 30 |
| 10. Сатторов Ф.Р., Усмонова М., Сатторов А. Симменталь зотли сигирларнинг лактациясининг кечиш хусусиятлари.....                                                                                                                     | 32 |
| 11. Хўжанова Л.А. Хориждан келтирилган сигирларнинг мамлакатимизнинг экстремаль иқлим шароитига мослашиш даврида юз берадиган ўзгаришлар.....                                                                                        | 34 |
| 12. Маматов Х.А., Мамарахимов Ж.А. Қора-ола ва симментал зотига мансуб бўлган букачаларнинг гўштини морфологик таркиби.....                                                                                                          | 37 |
| 13. Суюнова З.Б., Амиров Ш.Қ., Гаппаров Ш.Т. Феъл-атвори турли фаоллик типидagi сигирларнинг ҳаракат кўрсаткичлари.....                                                                                                              | 39 |
| 14. Аширов М.И., Саттаров Ф.Р. Продуктивные свойства симментальских коров во взаимосвязи с живой массой и сервис-периодом.....                                                                                                       | 42 |
| 15. Ахмадалиева Л.Х., Бобокулов Н.А., Юсупов С.Ю., Попова В.В., Хатамов А.Х., Кличев З.С., Уримбетов А.А. Подготовка научных кадров для охраны объектов интеллектуальной собственности в НИИ каракулеводства и экологии пустынь..... | 44 |
| 16. Бабакулов Н.А., Эшматов И.Я., Нарынов У.А., Толипов С.С. Дорпер кўй зоти ва унинг асосий биологик белгилари.....                                                                                                                 | 47 |
| 17. Юсупов С.Ю., Рўзимурадов Р.Р. Базаров С.Р. Турли муддатда тугилган кўзиларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари.....                                                                                                              | 52 |
| 18. Сатторов С.Б., Бойматов О., Файзуллаев О., Абдурахманов А. Ҳар хил завод типидagi сур кўчкорлар авлодини ўрганишнинг айрим                                                                                                       |    |

|                                                                                                                                                                                                  |     |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| танлаш.....                                                                                                                                                                                      | 243 |
| 86. Машрабов М.И., Хайитов М.А., Абдуллаева С., Мустафаева О.,<br>Эсиргапов Н. Ғўзадан юқори ҳосил етиштиришда фосфор сақловчи<br>ўғитларнинг таъсири.....                                       | 246 |
| 87. Жумаев Ш.М., Орипов Р. Самарқанд вилояти типик бўз тупроқлар<br>шароитида ғўзани фенологик фазалари жадаллигига маҳаллий калий<br>ўғитини таъсири.....                                       | 248 |
| 88. Розикова К.Э., Санакулов А.Л. Микроўғитларнинг ғўза баргларидаги<br>пигментлар микдорига таъсири.....                                                                                        | 251 |
| 89. Эшмуродова М.Қ. Бўз тупроқлардан унумли фойдаланишда ғўзани<br>кўшқаторлаб экиш самарадорлиги.....                                                                                           | 253 |
| 90. Kadirov B.E., Haydarov I.A., Adbdullayeva Yu.U., Usmonovna Ch.U. Bodom<br>payvantag eksplantlarini sterilizatsiyasida antibiotiklarning ta'siri.....                                         | 256 |
| 91. Komilova M.M., Hamdamova E.I., Xalmirzayev B.X. O'rik bog'ida kimyoviy<br>vositalarni qo'llashning iqtisodiy samaradorligi.....                                                              | 257 |
| 92. Комилова М.М., Холмирзаев Б.Х., Маматов Б.С. Унаби уруғ<br>кўчатларнинг сифат кўрсаткичларига ўстирувчи стимуляторларни<br>таъсири.....                                                      | 259 |
| 93. Умурзоков Э.У., Халмирзаева Л.Б. Влияние сроков весенней окулировки<br>на качество посадочного материала унаби (Ziziphus Jujuba Mill).....                                                   | 262 |
| 94. Ҳамдамова Э.И., Халмирзаева Л.Б., Маматов Б.С. Унабининг куртак<br>пайванд қилинган кўчатларини иқтисодий самарадорлигига ўғит<br>меъёрлари ва баргдан қўшимча озиклантиришнинг таъсири..... | 264 |
| 95. Жабборов Ш., Бекмурадова Х., Исмоилов А. Ширин қалампирнинг<br>оқпашшага чидамли нав намуналарининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари.....                                                           | 267 |
| 96. Аҳмедов С.И., Умурзоков Э.У., Ҳошимов Ф.Ҳ. Тамаки зараркундалари<br>микдорини агротехник усулда бошқариш.....                                                                                | 270 |
| 97. Умурзаков Э. У., Пулатов О.А. Энтомофаги вредителей грецкого ореха....                                                                                                                       | 272 |
| 98. Мамасолиев И.Ф., Умурзоков Э.У. Тамакининг замбуруғ касалликлари ва<br>унга қарши чоралари.....                                                                                              | 275 |
| 99. Умурзаков Э.У., Хурсанов Х.Ж. Основных вредителей табака и методы<br>борьбы с ними.....                                                                                                      | 277 |
| 100. Пўлатов О.А., Умурзоков Э.У. Грек ёнғоғининг зараркундалари ва<br>уларга қарши кураш.....                                                                                                   | 278 |
| 101. Аҳмедов С.И., Умурзоков Э. У., Ҳошимов Ф.Ҳ. Зараркундаларга қарши<br>инсектицидларни қўллаш самарадорлиги.....                                                                              | 280 |
| 102. Ризаев Ш.Х. Агротехник тадбирларнинг бир йиллик қўйतिकан<br>уруғларининг тарқалишига таъсири.....                                                                                           | 283 |
| 103. Абдуллаев Б.Н. Суғориладиган ўтлоқ-бўз тупроқларда ўғит қўллаш ва<br>ерга ишлов беришни минималлаштиришнинг айрим жихатлари.....                                                            | 285 |
| 104. Халманов Н.Т. Органик дехқончиликда микробиологик жараёнларнинг<br>сидерат ўғитлари таъсирида бошқарилиши.....                                                                              | 288 |
| 105. Ортиқов Т.Қ., Ташкенбаев О.Н. Зарафшон водийси тупроқлари гумус<br>ҳолати ва уни шаклланиш шарт-шароитлари.....                                                                             | 291 |
| 106. Орипов Р., Кенжаев Ю.Ч. Сидерат экинлари яшил биомасса<br>ҳосилдорлигига экиш муддатларининг таъсири.....                                                                                   | 294 |
| 107. Обрўев Ғ.Б. Сидерация учун экилган ханталнинг ўсиши, ривожланиши ва<br>ҳосилдорлиги.....                                                                                                    | 298 |
| 108. Ergasheva X.I., Abdullayeva Y.U. Halqali chuvalchaglarning biodegradatsiya<br>qobiliyati.....                                                                                               | 300 |
| 109. Каримова Х.Б. Виржиния тамаки навининг ўсиши, ривожланиши ва<br>ҳосилдорлигига кобальт, мис, молибден микроэлементларининг таъсири.                                                         | 302 |